O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Ўтган йил якунларига баҳо берганда, аввало, қандай вазифаларни амалга ошира олмаганимиз, қандай хато ва камчиликларга йўл қўйганимиз, уларни бартараф этиш учун нималар қилишимиз лозимлигини аниқлаб олишимиз, улар ҳақида очиқ-ойдин гапиришимиз керак.**

**Ислом КАРИМОВ**

*(2000 йил якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги нутқидан)*

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 27 феврал - 5 март | № 9 (213) | Сотувда эркин нархда



*Ўзгача бир нур сочар қуёш -*
*Наҳорлари гўзал Тошкентнинг.*
*Булутларга ҳамсоя, сирдош*
*Минорлари гўзал Тошкентнинг.*

*Якунлар ва режалар*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

2001 йил 23 феврал куни вазирликнинг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги марказий маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия ва суд идораларининг раҳбар ва масъул ходимлари, Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази, Юристлар малакасини ошириш Маркази, Х.Сулаймонова номидаги илмий-тадқиқот криминалистика Маркази ва адлия идоралари тизимининг бошқа таркибий тармоқлари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А.Полвон-зода кириш сўзи билан очиб, мазкур йиғилишнинг асосий мақсади — Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз Президенти томонидан юклатилган вазифаларга алоҳида эътибор берилиши эканлигида тўхталди ва шу мавзуда маъруза қилди.

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида Адлия вазирлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни аниқ тадбирлар асосида амалга ошириб келди. Бу борада ҳар бир ходимнинг вазифаси аниқ белгиланди.

Қисқа давр ичида қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоравий меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш натижасида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш учун зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими яратилмоқда.

Назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишларга чек қўйиш учун жиддий ва аниқ чоралар кўрилмоқда.

Ноқонуний текширишлар ва аралашувлар натижасида тадбиркорларга етказилган нафақат моддий зарар ва бой берилган фойда, балки маънавий зарар ҳам айбдор мансабдор шахслардан ундирилмоқда. Ҳар бир аниқланган ноқонуний текширишлар оқибатсиз қолдирилмаяпти ва айбдор мансабдор шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилаяпти.

Ўтган йил давомида адлия идораларининг судларга киритган даъво аризалари асосида тадбиркорлар фойдасига 204 млн. сўм етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Бевосита 143 та айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан тадбиркорларга етказилган 39 миллион сўм зарар тадбиркорлар фойдасига ундирилди.

Ҳар бир суд процессига жамоатчилик эътибори жалб қилинмоқда.

2000 йил мобайнида амалга оширилган тадбирлар натижасида 278 та асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорлар оқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввалги йиллардаги амалиётда тадбиркорларни оқлаш ҳолати бўлмаган эди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш амалиётида ҳам ижобий ўзгаришлар мавжуд. Маълумотларга кўра, ўтган йили 1999 йилга нисбатан судланган тадбиркорларнинг сони 2 баробарга, озодликдан маҳрум этилганлар сони 6 баробарга камайган.

Тадбиркорларни асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида, жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир тадбиркор иши бўйича Адлия вазирлигига хулосалар берилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг жорий қилиниши баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига жиддий тўсиқ бўлди. Ҳозирги кунда 70 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ушбу китоб билан таъминланди.

Кўрилган чоралар натижасида ноқонуний текширишларнинг сони бир неча ўн бараварга камайди.

Ҳисобот даврида адлия идораларининг асосий эътибори шартномавий муносабатларни тартибга солишга, шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилди. Шу мақсадда адлия идоралари томонидан минглаб хўжалик шартномалари ўрганиб чиқилди. Қонунга мувофиқ келмайдиган шартномалар қайтадан туздирилди, 2001 йил учун шартномалар тузишда амалий ёрдам кўрсатилди. Хўжалик юритувчи субъектлар учун методик қўлланмалар, тавсиялар ва шартномалар намуналари ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, ширкат хўжаликларида тузилаётган ички хўжалик шартномаларининг мониторингини юритиш йўлга қўйилди.

Адлия бошқармалари томонидан ҳар бир туманда 1 тадан шартномавий муносабатлар бўйича намунавий ширкат хўжаликлари ташкил қилинмоқда ва уларнинг тажрибаси бошқа хўжаликларга тарқатилмоқда.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибатида оила пудратчилари ва фермерларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраб судларга даъво аризалари билан чиқиш йўлга қўйилди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия идоралари томонидан оила пудратчилари манфаатини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалари асосида уларга 27 млн. сўм ундириб берилди.

Адлия вазирлиги томонидан бевосита жойларга чиқиб, республиканинг барча ҳудудларида иқтисодий қонунчиликнинг бажарилиши ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳолати, шартномавий муносабатларнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинди. Ушбу текширишларда ҳокимликлар, солиқ ва божхона органлари, тижорат банклари, назорат қилувчи идоралар, тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа мутасадди давлат идораларининг фаолияти қамраб олинди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан биргаликда адлия ва суд идораларига юклатилган вазифаларнинг ижроси етарли даражада эмаслиги, барча имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Маърузачи Республика раҳбари томонидан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, шартнома муносабатларини тартибга солиш, шартнома интизоми бузилишининг олдини олиш борасидаги олиб борилаётган ишлар сифатини юқори босқичга кўтариш, тадбиркорларни назорат қилувчи идоралар томонидан ортиқча текширишларга йўл қўймаслик, бу соҳадаги ишларни жорий йилда сезиларли даражада кучайтириш талаб қилинди.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқилган барча қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни синчиклаб қайта кўриб, хатловдан ўтказиш ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳайъатда адлия ва суд идоралари раҳбарлари ҳамда масъул ходимларининг ҳисоботлари, мавзуга оид фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ҳайъат муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Адлия ва суд идоралари олдида турган вазифалар ва тадбирлар аниқ белгилаб олинди.

**Адлия вазирлигининг матбуот хизмати**

*(Адлия вазирининг ҳайъат мажлисидаги маърузаси қисқартирилган ҳолда 2-бетда берилмоқда)*





Суратда: *йиғилишдан лавҳалар*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида*

## ВАКОЛАТЛАР БУ — МАСЪУЛИЯТ, ЖАВОБГАРЛИК, ВАЗИФА...

23-24 феврал кунлари республика хўжалик судларининг 2000 йил фаолияти якуни ва олдинда турган вазифаларни янада юқори даражада таъминлашга қаратилган Пленум бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми аъзолари, марказий маҳкама таркибий тармоқлари раҳбарлари, илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятларва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раислари ҳамда ўринбосарлари, дахлдор идоралар ва илмий муассасалар мутасаддилари, амалиётчи мутахассис ва назариячи олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Дастлаб Пленум олдида хўжалик судининг раҳбарлик ва судьялик лавозимига янги тайинланган бир қатор ходимлари судьялик қасамёдини тантанали қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими А.Х.Холмахмадов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров, Конституциявий суди раиси ўринбосари Б.Ш.Мирбобоев, шунингдек, Республика Прокуратураси, Олий суди ва Адлия вазирлигининг бир қатор мутасадди-вакиллари иштирок этди.

Кун тартибидаги асосий масала — Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисда билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиладиган хўжалик судлари олдидаги вазифалар юзасидан Олий Хўжалик суди Раиси М.Э.Абдусаломов маъруза қилди.

- Ўтган йўлимизга назар ташлайлик, - деди жумладан, у. - Хўш, 2000 йилда нималарга эришдик? Қайси фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қиламиз? Камчиликларимиз нималарда бўлди? Берилган кенг ваколатларимизни, билдирилган ишончни нақадар оқладик? Биз уларни обрў учун эмас, масъулият, жавобгарлик, вазифа эканлигини англаб етдикми? Иқтисодий ислоҳотлар талабларига фаолиятимиз нақадар жавоб бераяпти? Хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоясини таъминлашда нега оқсаяпмиз? Асосли танқидларга дуч келаётганимизнинг боиси нимада? Ана шулар ва бошқа барча ишларимиз ва сусткашликларимиз сабабини бугун очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак.

Таъкидландики, хўжалик судларининг кўп қиррали фаолиятида амалга оширилган мураккаб ва ижобий ишларни ҳам рад этиб бўлмайди.

Хусусан, мамлакатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор йўналшлар асосида хўжалик субъектлари, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес, деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди, улар босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Ўтган йилда хўжалик судларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш талаби билан 36 мингга яқин хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар мурожаат қилди. Даъвогарлар фойдасига ундириб берилган маблағлар 99,3 млд. сўмни ташкил этди, республика бюджетига давлат божи ва суд жарималари ҳисобидан 1,2 млд. сўм ундирилди.

Шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари юзасидан 1047 та ширкат, 4672 та фермер ва 140 та деҳқон хўжалигида мониторинг ўтказилди. Шу ва бошқа ишларимиз кўламини билamiz.

Аммо Вазирлар Маҳкамасидаги 2000 йил якуний йиғинда қайд этилганидек, ҳамон шартномаларни ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан расмийлаштириш талаблари бузилмоқда, уларда нарх, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи бошқа меъёрлар аниқ акс эттирилмаётганлиги, масалага оид оддий қонун талабларига ҳам баъзида риоя қилинмаётганлиги фактлари учраяпти.

Оқибатда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномалар ижроси ва интизоми билан боғлиқ низолар юқорилигича қолмоқда. Хусусан, 2000 йилда хўжалик судларида кўрилиб, ҳал этилган ишларнинг 60 фоизини шартнома интизомидан келиб чиққан низолар ташкил этди.

Йиғинда ушбу ва бошқа масалаларда нуқсон ҳамда йўл қўйилган камчиликларга кескин танқидий баҳо берилди, хўжалик судлари фаолиятини ташкил этолмаган мутасаддиларга талаб даражасида нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши тўғрисида тўхтамга келинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг ўринбосари Э.Қ.Қудратов сўз олиб, ҳамкорликдаги фаолиятни янада жадаллаштириш, қонунийликни таъминлашда, ишлар самарадорлигини оширишда назарда тутилган вазифалар хусусида ўз хулосасини билдирди. Кўплаб ҳисоботлар, фикр-мулоҳазалар тингланди.

Пленум хўжалик судлар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора ва тадбирлар режасини тасдиқлади, хўжалик судларининг апелляция босқичида иш кўришни янада такомиллаштириш масалалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

## АКЦИЯДОРЛАР, ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР – ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СЕМИНАР МАВЗУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида 22-23 феврал кунлари, ушбу идоранинг ташаббуси билан Германия техник ҳамкорлик жамияти ҳамда Россия Федерацияси юрист-мутахассислари биргаликда уюштирган. «Акциядорлар жамиятлари. Қимматли қоғозлар» мавзусидаги семинари бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари раҳбарлари, судьялари, Олий суд, адлия ва прокуратура идоралари вакиллари, Давлат мулк қўмитаси, Республика Фонд биржаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат юридик институти, иқтисодий соҳага боғлиқ ва мавзуга жипс фаолият кўрсатувчи кўплаб бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат ва нодавлат идоралари мутасаддилари, йирик амалиётчи мутахассис ва назариячи олимлар, юридик ва иқтисодий жамоалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси ўринбосари Мурот Азимов очди. У ўз сўзида бозор иқтисодиётига тобора жадаллик билан кириб бораётган жамиятда акциялар, акциядорлар жамиятлари, қийматли қоғозлар билан ишлаш, бу борада жаҳон иқтисодиёти ҳуқуқий синовидан ўтган фаолият услуби, шакл ва тамойилларининг моҳияти ҳақида тўхталиб, тараққий этган ва тажриба тўплаган давлатлар билан бақамти бўлиш, ҳуқуқий база ва қонунчиликни такомиллаштириб бориш, уларни амалиётга тўғри жорий этилиши нақадар муҳимлигига алоҳида урғу берди.

Германия техник ҳамкорлик жамиятининг вакили, анжуман ташкилотчиларидан бири — Рольф Книпер мавзунинг давлатлараро иқтисодий фаолиятида муҳимлиги хусусида тўхталиб, Ўзбекистонда бу масалага қизиқиш ўсиб бораётганлигини ижобий ҳол деб баҳолади, хусусан, Олий хўжалик судининг иқтисодий ҳуқуқий бошқаришга оид бундай ташаббусларини таъкидлаб ўтди. Германия ва Россиядан семинарда қатнашиш учун келган мутахассисларни таништирди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, таниқли ҳуқуқшунос Ҳожиакбар Раҳмонқулов республикада акциядорлар ва қийматли қоғозларга оид қонунчилик базаси яратилиши ҳамда уларнинг ишлаётгани хусусида, бу борадаги талаб ва таклифлар, олдинда турган вазифалар ва истиқболи борасида илмий-амалий маъруза қилди.

Тингловчилар россиялик вакил, Москва Давлат Университети юридик факультети декани, фан доктори, профессор Е.Сухановнинг «Россияда акциядорлик, қийматли қоғозлар бозори ҳуқуқининг аҳволи ва истиқболлари»мавзусидаги маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар.

Германиялик таниқли олимлар — Дрезден Университетининг профессори Урсула Штайн «Германияда акциядорлик ҳуқуқининг асосий жиҳатлари» ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва қийматли қоғозлар бозори ҳуқуқидаги фарқ ва мутаносибликлар» мавзусида, Бремен Университетининг илмий ходими Йоахим Шрам «Акциялар эмиссияси ва акциядорларни рўйхатга олиш» ҳамда «Қийматли қоғозлар бозорини бошқаришнинг асосий жиҳатлари» мавзусида кенг кўламли ва қизиқарли чиқиш қилдилар. Ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш институти директори И.Бутиковнинг, Жиззах вилоят хўжалик суди Раисининг ўринбосари Ю.Назаровнинг Республика Давлат мулк қўмитаси раисининг ўринбосари М.Юнусматовнинг, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги ҳуқуқий тадқиқотлар Маркази директори З.Убайдуллаевнинг илмий ва амалий узвийлик касб этган маърузалари зўр қизиқиш билан тингланди. Анжуманда бошқа иштирокчилар, мутахассис ва олимлар эркин сўз олиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини, баҳс ва мунозараларини билдирдилар. Кўплаб саволларга жавоб берилди.

Билдирилган фикр ва таклифларни умумлаштириш, улардан ўзаро фойдали тарзда фаолиятларда фойдаланиш, ҳамкорликдаги ишлар кўламини келгусида янада кенгайтириб бориш хусусида келишиб олинди.

**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**



Суратда: *анжумандан лавҳа*

# Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазири Абдусамат Полвон-Зоданинг вазирлик кенгайтирилган ҳайъат мажлисидаги

# МАЪРУЗАСИ

## (қисқартирилган)

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун ўтган йилда вазирлик ва унинг қуйи тармоқлари олдига қўйилган вазифаларни қай даражада бажарганмиз, натижаларимиз, йўл қўйилган камчиликлар ва бошқа фаолиятимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган вазифаларни ва тадбирларни аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Ҳисобот даврида тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларга оид қонунлар ижроси борасида юклатилган вазифаларни аниқ тадбирлар асосида амалга ошириб келдик. Бу борада ҳар бир ходимнинг вазифаси аниқ белгиланди.

Қисқа давр ичида қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоравий меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш натижасида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш учун зарур пойдевор яратилди.

Жумладан, бевосита Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар ҳамкорлигида **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари", "Аудиторлик фаолияти", "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш", "Ташқи иқтисодий фаолият" тўғрисидаги** қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Олий Мажлиснинг сессиясида қабул қилинди.

Ўтган давр ичида Адлия вазирлиги томонидан вазирлик ва идораларнинг амалдаги барча - 1130 дан ортиқ инструкция ва бошқа меъёрий ҳужжатлари чуқур таҳлил қилинди. Улардан 448 тасини қайта кўриб чиқиш учун тегишли идораларга тақдимномалар киритилди ва амалдаги қонунларга, жумладан, ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган тадбиркорликка оид мухим қонунларга ҳам мослаштирилди.

Натижада қонунчиликка мувофиқ келмайдиган, тадбиркорликнинг ташаббускорлигини ва иқтисодий эркинлигини чеклаётган 238 та меъёрий ҳужжат қайта кўриб чиқилди, улардан 31 таси янги таҳрирда қабул қилинди, 102 тасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 89 таси давлат реестридан чиқарилди.

Бу ҳужжатлардаги тадбиркорларнинг фаолиятида мавжуд бўлган кўплаб тўсиқлар олиб ташланди. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат рўйхатига олиш, уларга лицензия бериш, экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олишда талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорларнинг давлат идораларига ҳисобот топшириши соддалаштирилди, банклардан кредит олиш жараёни енгиллаштирилди.

Шу билан бир қаторда Адлия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 май 197-сонли қарори билан идоравий меъёрий ҳужжатларни сифатли тайёрлаш ва уларни давлат рўйхатига олиш механизми такомиллаштирилди. Адлия вазирининг 2000 йил 16 октябр 124-сонли буйруғи билан **"Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидалари"** қабул қилиниши бу борадаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга олиб келди.

Қонунчиликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ва қонунларимизни такомиллаштириш бўйича вазирликнинг масъул ходимлари, юрист олимлар ва амалиётчи мутахассислардан иборат қонунчиликнинг 19 та муҳим қонунчилик тармоқлари бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Ушбу гуруҳларга белгиланган йўналишлар бўйича амалдаги қонунчиликни, чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, аниқланган муаммоларни таҳлил қилиш ва зарур таклифлар тайёрлаш топширилди.

Хуллас, олдимизда турган асосий вазифалардан бири - хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес ривожи учун янада қулай шароит, тегишли ҳуқуқий базани такомиллаштириб боришдир. Бу соҳада кўп ишлар қилмоғимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқларидан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқилган барча қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни синчиклаб қайта кўриб чиқишга киришдик.

Бу борада Адлия вазирлигида қонунчилик тармоқлари бўйича тузилган 19 та ишчи гуруҳларига масъулиятли вазифа юкланади. Ишчи гуруҳлари ўзларига тегишли қонунчилик тармоқлари бўйича амалдаги қонунчиликни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқишлари, уларнинг амалда қўлланилишини ва мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, хорижий давлатларнинг ушбу соҳа бўйича тажрибасини ўрганиб, қонун ҳужжатларини янада ривожлантириш, зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича амалий таклифлар киритишлари керак.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармалари ва вилоят судлари ҳам ўз тажрибалари ва ўрганишларидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларини ишлашига тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаб, Адлия вазирлигига тақдим қилмоқлари керак.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими яратилмоқда.

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишларга чек қўйиш учун жиддий ва аниқ чоралар кўрилмоқда.

Ноқонуний текширишлар ва аралашувлар натижасида тадбиркорларга етказилган нафақат моддий ва бой берилган фойда, балки маънавий зарар ҳам айбдор мансабдор шахслардан ундирилмоқда. Ҳар бир аниқланган ноқонуний текшириш оқибатсиз қолдирилмаяпти ва айбдор мансабдор шахслар қаттиқ жавобгарликка тортиляпти.

Ўтган йил давомида адлия идораларининг судларга киритган даъво аризалари асосида тадбиркорлар фойдасига 204 млн. сўм етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Бевосита 143 та айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан тадбиркорларга етказилган 40 миллион сўм тадбиркорлар фойдасига ундирилди.

Масалан, Наманган шаҳар "Феруза" хусусий фирмасида Давлатобод тумани солиқ инспекцияси томонидан ноқонуний текшириш ўтказилиб, фирма раҳбари Р.Баратов ва ходими Х.Турсуноваларга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Ушбу иш Наманган шаҳар суди томонидан кўрилиб, асоссиз қўзғатилганлиги сабабли бекор қилинган. Адлия бошқармасининг даъво аризасига асосан ноқонуний текшириш ўтказишда айбдор бўлган 4 нафар солиқ инспекцияси ходимларидан хусусий фирма фойдасига 156 минг сўм моддий зарар, фирма раҳбари Р.Баратовга 300 минг сўм, сотувчи Х.Турсунова фойдасига 200 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали бундай суд процессларига жамоатчилик эътибори жалб қилинмоқда. Бундай кўрсатувлар мунтазам бериб борилиши бошқа мансабдор шахслар учун ҳам амалий сабоқ бўлади ва ҳуқуқий маданиятини оширади.

Конституциямиз талабларидан келиб чиққан ҳолда, хусусий мулк ҳуқуқи - мутлоқ ҳуқуқлигини фуқароларимизга тушунтириб боряпмиз. Жамиятимизда хусусий мулкка нисбатан ҳурмат ва унинг даҳлсизлиги муҳити яратилаяпти. Тадбиркорлар ишига асоссиз аралашувларни, қонунни қўпол равишда бузиш деб баҳоланаяпти.

Адлия вазирлиги томонидан **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**нинг жорий қилиниши баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига жиддий тўсиқ бўлди. Тадбиркорни текширишга келган ҳар бир мансабдор шахс томонидан ушбу Китобни тўлдириш мажбурияти "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда ҳам белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу Китобнинг амалга киритилиши тадбиркорлар томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Биз бунинг самарасини ҳам кўряпмиз. Хусусан, кўрилган чоралар натижасида ноқонуний текширишларнинг сони бир неча ўн бараварга камайди. Ўтган давр мобайнида 70 мингта тадбиркорлик субъектлари «Текширишларни рўйхатга олиш Китоби» билан таъминланди. Бу фаолият келгусида яна давом эттирилади.

Адлия вазирлиги ва унинг тизимларига ўтган йили тадбиркорлардан жами 1809 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Улардан 752 таси қаноатлантирилди. Жумладан, 344 таси судларга даъво аризалари киритиш йўли билан ҳал қилинди. Шунингдек, 578 та ариза ва шикоятлар бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорларнинг "Ишонч телефон"лари орқали 573 та мурожаатлари қайд этилган бўлиб, кўрилган чоралар натижасида 145 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланди ҳамда 428 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Масалан, Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг ишонч телефонига тадбиркор М.Насриддиновнинг "Пахтабанк" вилоят бошқарувчиси Х.Сайдалиев томонидан кредит ажратиш масаласи асоссиз равишда ҳал этилмаётганлиги хусусидаги мурожаати келиб тушган. Ўрганиш давомида ушбу шикоят тасдиқланиб, адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан банк бошқарувчиси Х.Сайдалиев эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, унга кредит ажратиш масаласи ижобий ҳал қилинди.

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение имкониятларидан фойдаланилган ҳолда 2000 йил давомида адлия ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига оид 310 марта чиқишлар қилинган. Бундан ташқари, тадбиркорлар иштирокида 353 марта лекция, семинар ва суҳбатлар ўтказилган.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишда ҳам мамлакатимиз Президенти алоҳида таъкидлаб ўтдилар:

**"...хўжалик юритувчи субъектларни, биринчи навбатда, тадбиркорлик соҳасини назорат қилувчи идоралар томонидан ортиқча текширишларга йўл қўймаслик, бу борадаги ишларни тартибга солиш зарур. Бу иш 2001 йилда сезиларли даражада кучайтирилиши керак. Бу кўп жиҳатдан Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятига боғлиқ".**

Ушбу айтилган гаплар ҳар биримизнинг доимий ёдимизда туриши лозим.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказиладиган муқобил текширишларнинг қанчалик қонунийлиги ва текширилган ҳужжатлар ва соҳаларнинг текшириш мақсадига нақадар мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада яқинда Адлия вазирлиги, Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг раҳбарлари томонидан биргаликда тасдиқланган "Муқобил текширувларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги кўрсатманинг тўлатўкис ишлашини таъминлаш лозим.

Ҳисобот йилида тадбиркорларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, бу борада қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Баъзи бир ишлар, хўжалик низолари ёки маъмурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлганлигига қарамай, жиноят иши сифатида судларга оширилган. Баъзи жиноят ишлари бўйича қилмишига мувофиқ келмайдиган ўта оғир жазолар тайинланган.

Бундай амалиёт эса "тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хавфли экан", деган салбий фикрга олиб келиши мумкин. Бу масала юзасидан Адлия вазирлиги ҳайъат йиғилиши ва Олий суднинг бир неча Пленумида жиддий гаплашиб олдик ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2000 йил мобайнида амалга оширилган тадбирлар натижасида 278 та асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорлар оқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввалги йиллардаги амалиётда тадбиркорларни оқлаш ҳолати бўлмаган эди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш амалиётида ҳам ижобий ўзгаришлар мавжуд. Маълумотларга кўра ўтган йили 1999 йилга нисбатан судланган тадбиркорларнинг сони 2 баробарга, озодликдан маҳрум этилганлар сони 6 баробарга камайган.

Ҳозир тадбиркорларни асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолларининг олдини олиш учун ҳар бир тадбиркор иши бўйича Адлия вазирлигига хулоса берилмоқда.

Мамнуният билан айтиш керакки, республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарияти билан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимояси масаласида қарашларимиз, ёндашувимиз, ҳаракатларимиз бир хилдир ва олдимизга қўйилган вазифани ҳамкорликда ҳал этмоқдамиз.

Хўжалик ва солиқ масалалари бўйича тадбиркорлар жиноий жавобгарликка тортилаётган ишлар ҳақиқатдан ҳам ўта мураккаб бўлиб, улар ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни талаб қилади. Бизлар чуқур тушуниб олишимиз лозим, мақсадимиз ўз вақтида солиқларни ундириш бўлиб, тадбиркорларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларининг сонини кўпайтириш орқасидан қувиш эмас. Бизлар тадбиркорларнинг оёққа туриб олишига ва йўл қўйилган хатоларини тузатишига ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим.

Бу ўринда, айниқса, республикада ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, судларнинг ихтисослашуви адолатни қарор топтиришда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Шак-шубҳасиз, судларни ихтисослаштириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишдаги энг йирик ва муҳим қадам бўлиб, суднинг адолатли ҳукм ва қарорлар чиқаришига имкон яратади.

Ҳеч кимга сир эмаски, энг юқори малакали юристлар ҳам кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжатларни, яъни жиноий ва фуқаролик қонунчилигини бир йўла яхши тушуниши ва амалда тўғри тадбиқ этиши мумкин эмас. Республикада амалга оширилган судларнинг ихтисослашуви эса объектив сабабларга кўра илгари йўл қўйилган суд хатоларини ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади.

Бугунги кунда судьяларимизда ўз ихтисосига кўра амалдаги қонунчиликни ва суд тажрибасини янада чуқурроқ ўрганишга имконият мавжуд.

Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда шартномавий муносабатларнинг тартибга солиниши долзарб масалалардан биридир. Амалга оширилган комплекс тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Шуни тан олиш керакки, шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса, қишлоқ жойларида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам Президентимиз бу масалага жиддий эътибор қаратиб, "Адлия вазирлиги шартномаларнинг бузилиши бўйича ҳар бир ҳолатнинг далил ва сабабларини чуқур ўрганиши, унинг тагига етиб бориши, шартнома муносабатларини тартибга солиш, қонунийлик нуқтаи назаридан томонларнинг шартномаларни тўғри тузиш, энг муҳими, уларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш даркор" деб таъкидладилар.

Лекин, тан олиш лозимки, бугунги кунда шартномавий муносабатлардаги аҳвол талаб даражасида эмас. Ҳали шартномалар корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси бўла олгани йўқ.

Жойларда шартномавий муносабатларга юзаки ёндашиш, ўз вақтида шартномаларни тузмаслик, уларнинг шартларини бажармаслик ҳолатлари тўла бартараф этилмаган.

Ушбу камчиликларга барҳам бериш мақсадида адлия идоралари минглаб шартномаларни ўрганиб чиқди. Қонунга мувофиқ келмайдиган шартномалар қайтадан туздирилди, 2001 йил учун шартномалар тузишда амалий ёрдам кўрсатилди. Хўжалик юритувчи субъектлар учун методик қўлланмалар, тавсиялар ва шартномалар намуналари ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Асосий эътибор ширкат хўжаликлари билан оила пудратчилари ўртасида тузилган ички хўжалик шартномалари ҳамда фермер хўжаликларининг тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан тузган шартномаларининг қонунийлигига қаратилди.

Бу борада алоҳида буйруқ қабул қилиниб, адлия идораларининг вазифалари аниқ белгиланди. Адлия ходимлари бевосита ширкат хўжаликларига бириктирилган бўлиб, улар шартномаларни тўғри тузиш ва ижросини таъминлашда амалий ёрдам бермоқдалар.

Ички хўжалик шартномаларининг мониторингини юритиш учун республикада мавжуд ширкатлардаги ички хўжалик шартномалари ҳам тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Вилоят адлия бошқармалари томонидан ҳар бир ширкатдаги ички хўжалик шартномаларига оид маълумотлар, чек тизимининг жорий қилиниши ва бошқа қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонунларнинг амалда ишлашига тааллуқли барча ахборотлар тўлиқ тўпланиб, улар ижроси назорат қилиб борилмоқда.

Шунингдек, ширкат хўжаликлари оила пудратчилари билан ички хўжалик шартномаларини тузишдан олдин уларнинг намунавий шаклини вилоят адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби жорий қилинди. Ушбу тартиб ички хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни таъминлашга қаратилган.

Ўтган йили Адлия бошқармалари томонидан ҳар бир туманда биттадан шартномавий муносабатлар бўйича намунавий ширкат хўжаликлари ташкил қилинди ва уларнинг тажрибаси бошқа хўжаликларга тарқатилмоқда. Шунингдек, ушбу хўжаликларда доимий равишда шартномавий-ҳуқуқий ишларни ривожлантиришга оид мавзуларда семинарлар ташкил этилмоқда.

Бу йил эса вилоят адлия бошқармалари зиммасига ҳар бир туманда шартномавий муносабатлар намунавий йўлга қўйилган фермер хўжаликларини ҳам ташкил қилиш юклатилади. Бу жуда муҳим вазифа.

Энг муҳими, оила пудратчилари ва фермерлар олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган ҳар бир факт бўйича айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши муқаррар бўлиши лозим деб, баҳоланмоқда.

Шунинг учун шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибатида оила пудратчилари ва фермерларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраб судларга даъво аризалари билан чиқиш йўлга қўйилди. Бунда пудратчи ва фермерларга етказилган маънавий зарарни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш принципи қўлланилмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия идоралари томонидан оила пудратчилари манфаатини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалари асосида уларга 27 млн. сўм ундириб берилди.

Масалан, ички хўжалик шартномалари мониторингини юритиш давомида Андижон туманидаги И.Патидинов номли ширкат хўжалиги томонидан оила пудрати шартномаси қўпол тарзда бузилганлиги аниқланиб, бунинг оқибатида оила пудратчиси П.Қорабоевга етказилган 50702 сўм моддий ва 10 минг сўм маънавий зарарни ундириш бўйича судга даъво аризаси киритилди ва унинг фойдасига жами 60702 сўм ундириб берилди.

Фермерлар ва пудратчилар томонидан топширилган маҳсулотлар учун йиллар давомида ҳақини тўламаслик ҳолатлари мавжуд. Ушбу ҳолатлар бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Масалан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг даъво аризасига кўра "Иржар" пахта тозалаш заводидан "Отакўл" фермер хўжалиги ҳисобига топширилган пахта хом ашёсининг ҳақи ҳамда унга етказилган 224 минг сўм моддий зарар ундириб берилди. Бундан ташқари, завод директорининг чўнтагидан фермерга етказилган 250 минг сўм маънавий зарар ундирилди. Бу каби ҳолатлар бўйича адлия идоралари томонидан 800 дан ортиқ даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, шартнома интизомининг бузилиши ҳолатлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларга 721 та тақдимномалар киритилган бўлиб, контрагентларга етказилган 38 млн. сўм зарар ундириб берилди.

2001 йил давомида ҳар бир тумандаги намунавий ширкатлар ва фермер хўжаликларида доимий равишда фермерлар ва ижарачилар иштирокида ҳар ой камида бир марта семинарлар ва ўқув машғулотлари ўтказиб туриш режалаштирилаяпти. Семинарларга оммавий ахборот воситалари, телевидение жалб қилинади. Фермер хўжаликларига шартномавий муносабатлар бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тегишли маслаҳатлар бериб, уларнинг ҳуқуқий онгини оширишда ёрдам беришни адлия идоралари ходимлари ўзларининг кундалик вазифалари деб биладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан "Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ҳамда шартнома ишлари бўйича масъул шахслар иштирокида 2001 йилда шартномавий муносабатларга оид семинар-йиғилиш ўтказиш жадвали" тасдиқланган эди. Биз бу семинарларни ўтказиб боришни йўлга қўйдик.

Семинар ўтказишдан олдин ушбу тармоқлардаги шартномавий муносабатларни чуқур ўрганиб, шартнома интизоми бузилиши сабабларини, шу соҳага хос камчиликларни таҳлил қиламиз.

Умуман олганда, шартномавий муносабатлар бўйича ўз ишларимизни яна бир марта масъулият билан ўрганиб, қайта кўриб чиқишимиз, амалга ошираётган ишларимизни танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, ўз олдимизда турган ишларимизни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришимиз лозим.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам адлия идораларидан айнан шу нарса талаб қилинди.

Адлия вазирлиги томонидан бевосита жойларга чиқиб, республиканинг барча ҳудудларида иқтисодий қонунчиликнинг бажарилиши ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳолати, шартномавий муносабатларнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинди. Ушбу текширишларда ҳокимликлар, солиқ ва божхона органлари, тижорат банклари, назорат қилувчи идоралар, тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа мутасадди давлат идораларининг фаолияти қамраб олинди.

Текширишлар натижаси тадбиркорларни рўйхатга олиш тартибининг бузилиши, қонун билан белгиланмаган ортиқча ҳужжатларнинг талаб қилиниши, уларнинг мурожаатларига лоқайдлик билан қараш, банклар томонидан кредит ажратишда сансалорликка, солиқ ва бошқа назорат қилувчи идоралар томонидан ноқонуний текширишларга ҳанузгача йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Тадбиркорларни ноқонуний равишда маъмурий, молиявий, айрим ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортиш фактлари аниқланмоқда.

Шу билан бирга, текширишлар кўрсатаяптики, республиканинг вилоят ва туманларида баъзи ҳокимликлар томонидан тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз ҳар-хил тадбирларни ўтказишга, маъмурий биноларни таъмирлашга жалб қилиш амалиёти кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармони билан қатъий равишда таъқиқлаб қўйилган бўлишига қарамай, ҳокимликлар қошида тадбиркорларнинг маблағлари ҳисобидан ҳар хил бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Бу ҳолат хусусий мулк эгасининг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш бўлиб, кичик ва ўрта бизнеснинг, фермерларнинг ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Биз ночор ва етим-есирларга, ижтимоий кам таъминланган оилаларга ўз хоҳиши билан ва имкониятидан келиб чиқиб, ҳомийлик қилишни тўғри тушунамиз. Лекин, юқоридаги каби услублар билан тадбиркорларга зўравонлик ўтказиш мулкдорлар синфини яратиш сиёсатига тўсқинлик қилишдир. Қолаверса, бу жиноят-ку, ахир.

Адлия идоралари бу қонун бузилишларига йўл қўймаслик бўйича аниқ чоралар кўрмоқда, лекин улар ҳозирча етарли эмас.

Жойларда фермерларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Яратилаётган шарт-шароитлар ва имтиёзлар натижасида фермер хўжаликлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мамлакатда юзлаб ривожланган фермер хўжаликлари пайдо бўлди.

Лекин таҳлил натижаси бу соҳада ҳали кўплаб камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, баъзи ҳолларда ширкат хўжалиги раҳбарлари томонидан фермерларга ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарорларни ўз вақтида ижро этмаслик, фермерларнинг ерини ноқонуний равишда, ижара шартномасини бир томонлама бекор қилиб, тортиб олиш каби қўпол қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Бу қонунбузарликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, фермерларнинг ҳуқуқлари тикланяпти.

Фермер хўжаликларига ер ажратиш ва рўйхатга олиш масалани ҳал қилишда уни юритиш хоҳишини билдирган фуқаролар баъзан ширкат хўжалиги ва туман ҳокимиятидаги мансабдор шахсларнинг таъмагирлигига, яъни таниш-билишчилик ва суиистеъмолчиликка дуч келмоқдалар, бу эса фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманининг С.Жўраев номли ширкат хўжалиги раиси Ж.Пирназаров "Раҳим" фермер хўжалигининг 10 гектар ерини ноқонуний равишда олиб қўйган. Ушбу ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармасининг туман судига киритган даъво аризаси қаноатлантирилиб, фермернинг ерга бўлган ҳуқуқи тикланди ҳамда унинг фойдасига ширкат раисидан 53 минг сўм моддий ва 52 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Шунингдек, фермерлар ва бошқа тадбиркорларнинг хомашё ва материал-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилмаслиги, уларнинг топширган маҳсулотларига ўз вақтида ҳақ тўланмаслиги, шартнома интизомига риоя этмаслик каби ҳолатлар мавжуд.

Бироқ, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва Тадбиркорлар палатаси томонидан ушбу қонунбузилишлардан ўз аъзоларини ҳимоя қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилмаган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, оила пудратчиларига пудрат шартномаси асосида чек дафтарчаси берилиши ва уни юритиш талаб даражасида эмас. Айрим ширкатларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш эски услубда юритилмоқда. Яъни нарядлар юритиш, табелларни тўлдириш ва бригада усулида иш олиб бориш каби амалиётга барҳам берилмаган.

Масалан, Тошкент вилояти, Пискент туманидаги "Пискент" ширкат хўжалигида ҳанузгача иш юритишнинг эскича тартиби сақлаб келинмоқда, яъни бригадир лавозими сақлаб қолиниб, уларга оила пудратчилари ҳисобидан ойлаб маош тўлаб келинган. Оила пудратчиларига чек дафтарчалари тарқатилмаган. Ҳисоб-китоблар, иш ҳақлари "накладной" ва табель асосида амалга оширилмоқда. Чек дафтарчалари фақатгина хўжалик томонидан тўлдирилиб борилган. Сарф-харажатлар лимитининг умумий миқдори белгиланиб қўйилган бўлсада, уларнинг сарфланиши кўрсатилмаган. Бундай ҳолда деҳқон қандай қилиб ўзини мулк эгаси сифатида ҳис эта олади?

Бу камчиликларни бартараф этиш, чек дафтарчаларини ва ҳисоб-китобларни тўғри юритиш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби жорий қилинди ва жойларга ички шартномалар бўйича тавсиялар етказилди.

Юқорида айтилган комплекс текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдимномалар киритилиб, уларда қонунларнинг бажарилиш аҳволи батафсил таҳлил қилиб берилди, камчиликларни бартараф этишга қаратилган зарур чоралар таклиф этилди. Ҳозир тақдимномалар ҳокимликларда асосан муҳокама этилди, ходимларимиз ёрдами билан қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди, айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилди. Бу тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатдик.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, айрим адлия идораларида юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича аҳволни етарли деб бўлмайди. Айрим масъул ходимлар томонидан эътиборсизлик, топшириқларни номига, хўжакўрсинга бажариш ҳоллари мавжуд.

Адлия вазирлиги томонидан бевосита жойларга чиқиб ҳақиқий вазиятни ўрганиш шуни кўрсатдики, бу масала бўйича ҳокимликлар ва бошқа идораларда ягона амалиёт мавжуд эмас. Балки, адлия идораларининг фаолиятида ҳам кўплаб камчиликлар мавжуд. Бевосита уларнинг айби билан жойларда қонунбузилишларнинг олди олинмаяпти.

Масалан, қонунга зид равишда Навоий шаҳар ҳокимлиги тижорат банкларига шаҳардан ташқарида жойлашган мижозларнинг ҳисоб рақамларини ёпиш тўғрисида кўрсатма берган. Бу ҳолат тадбиркорларнинг мустақил равишда банкларни танлаш эркинлигини чегаралайди. Бу каби қўпол қонунбузилишларни вилоят адлия бошқармаси аниқлаб, бартараф этиши мумкин эди-ку.

Бу йил назорат тартибида республиканинг барча ҳудудларида қонунчиликнинг аҳволи яна бир бор текширилади. Бунда асосий эътибор, жумладан, тақдимномаларда кўрсатилган камчиликларнинг қай даражада бартараф қилинганлигига ва кўрилган чора-тадбирларга қаратилади.

Маълумотларга кўра ўтган йилда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг ҳудудий комиссиялари рухсатига асосан ўтказилган текширишларнинг сони анча қисқарган бўлсада, бизнинг фикримизча ҳали ҳам юқоридир. Айрим корхоналар шу вақтгача йилига бир неча марта текширилиши ҳоллари учраяпти.

Масалан, 2000 йилда фақат Тошкент шаҳрида 1557 та, 4-чоракда Тошкент шаҳрида 13 та, Андижон вилоятида 31 та, Самарқанд вилоятида 23 та рухсатсиз ноқонуний текшириш ўтказилган.

Ўтган ҳайъат йиғилишида алоҳида таъкидлаб ўтилганлигига қарамасдан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаларини киритиш суст йўлга қўйилган. Ваҳоланки, ушбу вилоятларда тадбиркорларни ноқоний текширишлар, фаолиятига аралашишлар, уларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари учраяпти.

Адлия идораларининг бошлиқлари тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликка амал қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминлашни ўзларининг асосий вазифаси деб ҳисоблашлари керак.

Бугун фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ролини оширишга эътибор беришимиз керак. Чунки Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан биргаликда тасдиқланган кўрсатмада ҳам тадбиркорларга етказилган моддий зарар билан биргаликда маънавий зарар масаласи бирлаштирилган ҳолда ишлар умумий судларда, яъни фуқаролик судларида кўрилиши белгилаб берилган.

Энг муҳими, ушбу даъво аризалари бўйича суд процессларига оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, айниқса, уларни телевидение орқали намойиш қилиб боришни ташкил этиш лозим. Лекин, вилоятларда бу муҳим масалага етарли эътибор қаратилаяпти деб бўлмайди.

Адлия вазирлигининг барча йўналишдаги фаолиятидан кўзланган энг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат қуришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдир.

Ушбу мақсадлар йўлида ишлаш фаолиятимиз ва ҳаётимизни улкан мазмунлар билан бойитишга етаклайди.

*Конституциямизни ўрганамиз*

# ЭНГ ЭЗГУ САБОҚ...

Ҳар бир фарзанд, ҳатто боғчадан бошлаб, ўқиш-ёзишни ўрганиши ҳамоно унинг мурғак қалбига она юрт туйғуси, муқаддас Ватанни жон қадар, имон билан севмоқ тушунчасини зукко ва билимдон муаллимлар, тарбиячилар ўзгача меҳр ва эътибор билан сингдириб юради. Ўқувчи ёшлар онгига босқичма-босқич узатиладиган ва комиллик сари етаклайдиган турли фан сабоқлари қаторида ҳуқуқий билимлар сабоғининг ҳам ўрни беқиёс. Чунки озод ва обод Ватанда эркин ва бахтиёр, шод ва бехавотир яшамоқ қоидалари айнан улар асосида йўғрилгани ҳақиқат.

Бироқ ўқувчи-ёшларга берилаётган ҳуқуқий билимлар даражаси айни кун талаби даражасидами? Фақат тарих ва ҳуқуқ ўқитувчиларининг зиммасига юклатилган, айнан юқори синфларга мўлжалланган ва бор-йўғи бир-икки соатлик ҳуқуқ дарслари етарли натижа бераяптими?

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида Ватан Конституциясини мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб узлуксиз тарзда ўрганиш зарурлиги айтилгани ҳаммани қувонтирди. Яккабоғ туман Халқ таълими бўлимининг мудири Исроил Келдиёров билан суҳбатимиз айни шу хусусда кечди.

- Туманимизда Халқ таълими бўлимига қарашли 104 та ўрта умутаълим мактаблари, 2 та лицей-интернат, 26 та болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Мактабларимизда жами 267 нафар малакали тарих ва ҳуқуқшунослик фани муаллимлари ёшларга сабоқ бермоқда. Барча ўқув муассасаларида ҳар ойнинг тўртинчи чоршанбаси «Ҳуқуқий билимлар куни» деб белгиланган. «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўтказиш эса доимий анъанага айланиб қолди. 32-ўрта мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари Ойдин Мўминова, Гулсин Пирматова, 12-мактабдан Қўйли Қобилов, 1-мактабдан Юсуф Бухоров, 1-2-лицей-интернатларнинг муаллимлари, халқ таълими аълочилари Ҳабиба Орипова, Қудрат Тошбобоевлар ўз фанининг моҳир билимдони сифатида бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Ўтган йили 1-лицей-интернатнинг ўқувчиси Улуғбек Жўраев ҳуқуқшунослик фани бўйича мактаб ўқувчиларининг Республика олимпиадасида 1-ўринни эгаллаб, ҳуқуқшунослик олийгоҳига имтиҳонсиз қабул қилинди. Шунингдек, ҳуқуқий билимларни ўрганиш «Ширинтой», «Юлдузча», «Олтин бошоқ» болалар боғчаларида ҳам яхши ташкил этилган.

Бироқ ҳамма жойда ҳам ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳуқуқий билимларни ўрганиш аксари мактабларда ўша соҳа муаллимига ташлаб қўйилгани, соатларнинг камлиги ҳадеб рўкач қилинаётганлиги сезилади. Баъзи мактабларда эса умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмаган. Президентимизнинг Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши эса бу соҳадаги ишларни тубдан яхшилаш ва янгилашга қаратилганлиги билан бениҳоя эътиборлидир. Бош Қомусимизни мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларда ўрганиш учун махсус ўқув дастурлари етиб келишини кутиб ўтирмай, махсус кенгашимизда энг яхши олий тоифали муаллимлар билан бамаслаҳат «Конституциямизни биласизми?» мавзусидаги кўргазмали плакатларни тайёрлаб, барча мактаб ва боғчаларга жўнатдик. Мактабларнинг тарих кабинети ва залларда «Конституцияни ўрганиш» бурчаклари ташкил этилди. Бу соҳада доимий савол-жавоб кечалари ташкил этиш режалари тузилиб, ҳар йили Наврўз байрами арафасида уларни якунлаб, ғолибларни тақдирлаб бориш кенгашлар режаларига киритилди.

...Ўша куни Исроил ака билан туман марказидаги 1-ихтисослашган лицей-интернатда бўлдик. Мактаб директори Шарофат Саидованинг ўзи ҳам тарих фанидан дарс берар экан. Мўлжалимиздаги фаннинг ўқитилиши ва Конституцияни ўрганиш бўйича қилинаётган ишлардан очиғи мамнун бўлдик. Ўтган йили ҳуқуқшунослик гуруҳининг 11 нафар битирувчисидан 8 нафари олий даргоҳга ўқишга кирибди. Бўлажак ҳуқуқшуносларни ўзида бирлаштирган «Низомия» тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Тўгаракка фидоий муаллима Ҳабибахон Орипова раҳбарлик қилади.

Ҳабибахон билан қисқа фурсатлик савол-жавоб ва у киши дарс бераётган синф ўқувчилари билан учрашувлар орқали шунга амин бўлдикки, агар муаллим билимдон, изланувчан фидоий бўлса, ўз умрини гўзал хотиротлар билан безашга қодир.

1-лицейда Бош Қомусимизни ўрганиш бўйича туманнинг барча мактаб ва боғчаларига ибрат бўладиган, вақти келиб алоҳида марказга айланадиган цикл ишлар лойиҳа асосида бошлаб юборилган. Биз уларга фақат омад тиладик. Зеро, бебаҳо қонунларимиз мажмуини сидқидилдан меҳр қўйиб ўрганиш ва уни қалбдан эъзозлаш қарзу фарз бўлгани каби яккабоғлик маорифчилар ҳам бурч даражасидаги бу юмушга алоҳида эътибор билан киришганлигининг гувоҳ бўлдик.

**Ғози РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# БЕЗОРИДАН ҲАММА БЕЗОР

Жанжал арзимаган гапдан чиқди. Бобоқул Жиззах вилояти Фориш тумани Ухум қишлогидаги С.Айний номли 14-мактабнинг директор ўринбосари Октам Элмуродов билан ўқувчиларнинг битирув кечасига Тошкентдан санъаткорлар олиб келаман, деб келишиб қўйганди. Ўтган йилнинг биринчи июн куни у мактабга келди. Октам ака ўқувчилардан имтиҳон олаётган экан, чақириб ваъдасини эслатди.

Директор ўринбосари пул йўқлигини рўкач қилиб, номдор санъаткорлар керак эмаслигини билдирди. Бундан Бобоқулнинг жахли чиқди. У санъаткорлар олдида субутсиз бўлиб қолганлигини айтиб сўкинди. Сунг Октам акани ҳовлига бошлаб чиқди. Энди улар бир-бирини очиқдан-очиқ ҳақорат қилишга ўтди. Шу ерда турган Ўктам Қўчқоров уларни ажратиб қўймоқчи бўлиб Октамнинг қўлидан ушлаб орқага тортди. Пайтдан фойдаланган Бобоқул Неъматов унинг кўкрагига тепди. Буни кўрган ўқитувчилар келиб уларни ажратиб қуйди...

Абилқосим эрталаб қўй ва молларини қирга ҳайдаб чиқди-да, ҳамқишлоғи Абдужаббор Равонов тасаруфидаги ғалла майдонига қўйиб юборди. Соат ўнларда Абдужаббор ғалласидан хабар олгани келиб, ғаллазорида Абилқосимнинг қўй ва моллари ўтлаб юрганига кўзи тушди, жахли чиқди. Абилқосимни чақириб, " Нима учун қўйларинг ва молларингни менинг ғалла майдонимда боқиб юрибсан", деди.

Абилқосимнинг зўрлиги тутди : " Мен молларимни хоҳлаган жойимда боқаман" деди. Кейин буғдойзорга кирди-да "Қани, мол еган жойини кўрсатинг", дея донга тўлиб турган бошоқларни савалай кетди. А.Равонов аввалига унинг бу қилиғидан ҳайрон бўлди. Кейин," нега буғдойни савалайсан, ахир бу нон-ку, увол бўлади. Молларингни ғаллазордан чиқар", деди.

"Чиқармайман" деб жавоб берди Абилқосим.

Хуллас, орада жанжал чиқди. Абилқосим Норбоев чабдаст йигит эди. Қулидаги таёқ билан рақибининг юзи аралаш бурнига урди. Абдужабборнинг кўз олди қоронғулашиб, ўтириб қолди. Бурнидан оққан қон куйлак ва шимларини қип қизил қонга бўяди. А.Норбоев бундан файдаланиб, унинг кўкрагига ҳам урди. Шундан сўнг гўё ҳеч нарса бўлмагандек, қўйлари ва молларини ҳайдаб уйига йўл олди.

Фориш туманида содир этилган бу икки жиноятнинг қисқача тавсилоти шу. Ўйлаб кўрсангиз ҳар икки жанжал ҳам арзимаган нарсадан чиққан. Ҳар икки ҳолда ҳам жанжаллашганлардан биронтаси бир оғиз гапдан қолса ёки салгина ўзини босса, ҳеч ким суднинг қора курсисида ўтирмаган бўларди.

Бугун жабрланувчиларнинг соғлиғи бузилишига олиб келган, жароҳат етказган ҳар икки жанжалкаш ҳам қилмишидан пушаймон. Аммо кейинги пушаймон — ўзингга душман. Фориш туман суди уларни жиноятига яраша жазолади. Бундан ташқари ҳар иккаласи жабрланувчилар даволаниши учун кетган дори-дармонлар пулини ҳам тўлади. Энг ёмони, бирозгина ўзларини тута олмагани, бевақт қўлига эрк бериб, муштумзўрлик қилгани учун безори деган ном ҳам олди.

Хуллас безоридан ҳамма безор эканлигини унутмайлик.

**Ж.ОЧИЛОВ,**
**Фориш туман прокурори ёрдамчиси,**
**Жиззах вилояти**



Оналик бахти.

*Талаба минбари*



# ДЕМОКРАТИЯНИНГ ИНСОНИЙЛИГИ

Инсон жамиятнинг фаол бўлагидир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир одам иқтисодий муносабатларнинг, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётнинг бевосита иштирокчисига айланмас экан, ижтимоий жараёнларга узвий жалб этилмас экан, давлатнинг равнақи, жамиятнинг маънавий тараққиёт ва келажаги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Жаҳондаги илғор демократик давлатларнинг фуқаро эркинлигини таъминлаш бўйича тажрибасини ўрганиш натижасида Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари аниқланди. Мустақил Ўзбекистоннинг демократик моҳияти, аввало унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишида намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ривожлантириш, такомиллаштириш мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий тамойилидир. Шу маънода Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон келажаги буюк давлатдир. Бу инсонпарварлик қадриятларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир», деган эдилар.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа ҳуқуқ ва бурчлар пайдо бўлиши асосларидан бирмунча фарқ қилади. Бунда ягона асос шахс фуқаролигининг мавжуд бўлишидир. Улар ҳуқуқнинг субъекти бўлган ҳар қандай фуқарога тегишли ҳуқуқий лаёқатни амалга ошириш билан эмас, балки шахснинг давлат билан, унинг фуқароси сифатидаги мақоми билан боғлиқдир.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз мустақил давлатга мансублиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг жорий этилиши, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг давлат томонидан муҳофаза этилишида ўз аксини топади ва улар уч гуруҳга бўлинади:

1) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар: меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлар;

2) сиёсий ҳуқуқ ва демократик эркинликлар: асосан фуқароларнинг жамоат бирлашмалари, сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сўз ва матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар, намойишга чиқиш ҳуқуқлари;

3) уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ҳуқуқлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини бундай гуруҳларга ажратишнинг сабаби бор. Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзининг давлат тузилиши, фаолиятини умуминсоний қадриятлар асосида олиб боришни мақсад қилиб қўйди. Бунда шахснинг манфаати, унинг шаъни, қадр-қиммати ҳамма нарсадан юқори туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи саҳифаларидаёқ инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари баён қилинган, ундан сўнг эса сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлар жой олган. Аслида инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири унинг тинч-тотув яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг асосий мажбурияти — мазкур ҳуқуқларни барча воситалар билан кафолатлашдир. Зеро, бу билан демократиянинг инсонийлиги белгиланади.

**Шаҳобиддин ШАРОФУТДИНОВ,**
**ТДЮИ 3-ҳуқуқ факультети талабаси**

# ЎРГАНАМИЗ ҚОМУСИМИЗНИ

*Умид ғунчаси*

Бир диёр — шуҳрати оламга пойдор,
Турли миллат, элат унда бахтиёр.
Аждодлар ўгити қомусида бор,
Биз ёшлар ўрганамиз қонунимизни,
Биз ёшлар ўрганамиз қомусимизни.

Одатдир, бурчимиз ўрганмоқ ҳар кун,
Ҳар бандин, моддасин ҳижжалаб, сокин,
Олийгоҳ, мактаблар бағрида эркин,
Биз ёшлар ўрганамиз қонунимизни,
Биз ёшлар ўрганамиз қомусимизни.

Устозлар йўриғи фикримизда жам,
Хотирга муҳрлаб олайлик ҳар дам,
Бетакрор қарорлар, фармойишни ҳам,
Биз ёшлар ўрганамиз қонунимизни,
Биз ёшлар ўрганамиз қомусимизни.

Юртбошимиз бизга тилабдир омад,
Биз ёшлар бўлайлик соғу саломат,
Ватанни янада қилайлик обод,
Биз ёшлар ўрганамиз қонунимизни,
Биз ёшлар ўрганамиз қомусимизни.

**Самаржон НАЗАРОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи талабаси**

# ТАФАККУР ГУЛШАНИ

***Цивилизация тарихини олти сўз билан ифодалаш мумкин: қанча кўп билсанг, шунча кўп қодирсан.***

***Э.АБУ***

* * *

***Билимга интилиш туйғусидан кўра табиийроқ туйғу бўлмаса керак...***

***М.МОНТЕНЬ***

*Менда таклиф бор*

# ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ КАФОЛАТИ

Кейинги вақтларда ҳуқуқ, қонунчилик масалаларига оид кўплаб янги меъёрий хужжатлар яратилаётгани мамлакатимизда демократик жараёнларни тобора чуқурлашаётгани, тизимни ислох қилиш тадбирлари юқори босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Мамлакатимиз тараққиёт йўлларидан шитоб билан олға интиляпти. Фуқаролар кеча орзу қилган истиқбол неъматлари бугун тарихга айланяпти. Бу табиий хол. Ҳаёт анча тез илдамлаган жойда эскириш, ўрин алмашиш, айни пайтда янгиланиш, сон ва сифат ўзгаришлари жараёнлари ҳам тезлашади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрида қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирдаги лойиҳаси яратилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилганлиги мантиқий холдир.

Аёнки, прокуратура-қонунлар назоратчиси. Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳасида бу ўз ифодасини топган. Лойиҳанинг бошқа бир ибратли жиҳати, қонун прокуратура идораларини ҳам ўз ҳимоясига олганида. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодировнинг яқинда эълон қилган мақоласида қонун назорати идораларининг самарали фаолияти учун давлатимиз етарли даражада ғамхўрлик қилаётганлиги, барча шарт-шароитлар яратилаётганлиги ўз ифодасини топган. Намунали шарт-шароит ва ғамхўрлик табиийки, барчани ишда ҳам фаолликка, ғайрат ва илдамликка даъват этади. Сирасини айтганда, менимча, биз ёшлар қонун муҳофазасини таъминлашдек маъсулиятли ва шарафли вазифани адо этаётган мўътабар даргоҳнинг хизмат шароити ҳақида сўз юритишга ҳали маънан ҳам хақли эмасмиз, деб ўйлайман. Бунга устозлар, умрини шу хизматга бағишлаганлар кўпроқ ҳақли. Улар ҳар қанча эъзозга, қонуний имтиёзларга лойиқ. Шу боисдан лойиҳанинг 40-, 41-, 48-моддаларида прокуратура фахрийларининг ижтимоий муҳофазасига доир қўшимча банд киритилганлигини олқишлайман. Айни пайтда прокуратурада хизмат вазифасини ўташ билан боғлиқ шарт-шароитлар, чунончи, узоқ туман ва вилоятларга ишга борувчиларнинг уй-жой таъминотига доир масалалар ҳам лойиҳада акс этса яхши бўларди.

Лойиҳанинг 5-бўлимида прокуратура органларида лавозимга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мавжуд. Унда прокурорликка 25-ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланиши кўрсатилган. Бизнингча эса, прокурорлар катта обрў-эътибор, билим, малака, тажриба тўплаган, юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, ўз касбининг устаси бўлган кишилар орасидан танлаб олиниши зарур. Шундай бўладики, баъзан прокурорнинг гарданига ёшини яшаб, ошини ошаганларнинг тақдирини ҳал этишдек оғир ва маъсулиятли вазифалар ҳам тушади. Шу боис, назаримда прокурор лавозимига 25 ёш анча ғўрадек туюлади. Балким 28-30 ёш олингани маъқулдир.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг жиноятчиликка қарши кураш, қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлаш сохасида хорижий давлатлар ҳуқуқ-тарғибот маҳкамалари билан халқаро битимлар доирасида ҳамкорлик қилишни ҳам замона талаби, тақозоси деб биламан. Бу эса ушбу фикрнинг лойиҳада ифодасини топишини тақозо этади.

**Ботир ДУСЧАНОВ,**
**Урганч шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси,**
**Хоразм вилояти**

*Ҳуқуқий маслаҳатхона*

# ТУШУНМОВЧИЛИК БЎЛАЯПТИ

***Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1135-1147 моддаларида мерос қолдирувчи вафотидан кейин 6 ой ўтгандан сўнг мерос ҳуқуқига гувоҳнома берилади, деб кўрсатилган. Аммо амалиётда меросхўр вафотидан олти ой ўтгандан сўнг ҳам берилган аризалар юзасидан гувоҳнома беришга мажбур бўлаяпмиз. Бу ерда битта тушунмовчилик келиб чиқаяпти. Мазкур Кодекснинг 1147 моддасида меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли дейилган. Бизга эса фуқаролар бир йил ёки ундан ҳам ортиқ вақтни ўтказиб мерос ҳуқуқига гувоҳнома беришларини сўраб мурожаат қилишмоқда. Бундай вазиятда барча меросхўрларга мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериладими ёки воз кечганлиги тўғрисида ариза олиб, битта шахсга мерос ҳуқуқига гувоҳнома бериш мумкинми?***

***Т.САПАРБАЕВА,***
***Қўнғирот тумани давлат нотариуси***

«Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади (ЎзР ФК 1116-1117-модда).

Меросни қабул қилиб олиш ҳаракатлари қонун ҳужжатларида белгиланганидек, олти ой мобайнида тугатилиши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 58-моддасига асосан мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

Меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичидан меросдан воз кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасданоқ йўқотади (ЎзР ФК 1147-моддаси).

Турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилгану лекин ҳозир бўлмаган меросхўр юқорида меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичида қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар. Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ушбу қоидалар бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар».

**Жавобни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси Бош маслаҳатчиси Дилбаҳор ЯКУБОВА тайёрлади**

*Суд залидан*

# ГУВОҲЛАР ҚОТИЛНИ ФОШ ЭТДИЛАР

Тошкент шаҳрининг М.Улуғбек туманида мудҳиш қотиллик содир этилди. 1968 йилда туғилган Любовь Шуватова деган аёл ўлдирилди. Унинг ўлимида гумонланган Раҳмон Холмирзаев бу айбловни тан олмади. Шунда воқеликни бўйбасти билан гувоҳлар ойдинлаштирдилар. Қотилнинг кирдикорлари гувоҳлар келтирган инкор этиб бўлмайдиган далил-исботлар билан фош этилди.

Хўш, жиноят қандай содир этилди? Гумонланган Раҳмон Холмирзаев ким ўзи? У 1967 йилда Жиззах вилоятида туғилган. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида яшаган. Уч нафар фарзанднинг отаси. У Любовь Шуватова билан унинг синглиси Наташа орқали танишиб қолган эди. Опа-сингил Шуватовалар ўз юртларидан Тошкентга тиббий асбоб-ускуналар келтириб сотиш билан шуғулланишарди.

Р.Холмирзаев қотиллик содир этилган куни, яъни 1999 йилнинг 21 августида метронинг Буюк Ипак йўли бекати ёнида Любани учратади ва унинг ижарада яшаб турган уйига биргаликда келишади. Олдинига апоқ-чапоқ бўлиб ўтирган суҳбатдошлар ўртасида низо келиб чиқади. Борган сайин кучайган жанжал оқибатида Раҳмон аёлнинг оғзига латта тиқиб, бўйнидан бўғиб, танасининг турли жойларига уриб-тепиб, сўнг ошхона пичоғи билан кўкрак қисмига уради. Аёл воқеа жойида оламдан кўз юмади.

Энди қотил ўз жиноят изини йўқотишга киришади ва ўзича бунга эришдим деб ўйлайди.

Гувоҳлар кўрсатмалари асосида терговга жалб этилган Р.Холмирзаев бундай ҳаракатларни мутлақо тан олмади. У ўша куни Шуватованинг уйида умуман бўлмаганлигини, бир кун олдин Гулистон шаҳрида яшовчи ўртоғиникига тўйга борганлигини, 22 август куни Жиззах вилоятига ўтиб, отасининг уйида бўлганлигини, кечаси Тошкентга қайтиб, уйига ҳам кирмасдан Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрига тижорат ишлари билан бориб, у ерларда 12 сентябргача қолиб кетганлигини, бу қотиллик унга нисбатан туҳмат эканлигини айтиб, терговчиларни лақиллатмоқчи бўлди.

Аммо бу тараф ҳам анойилардан эмасди-да! Калаванинг учини топишга тагзаминли далиллар тўплаш орқали қотилни ўз қилмишига иқрор бўлишига эришдилар. Гувоҳларнинг виждонан берган аниқ кўргазмалари, улар асосида тўпланган далил ва исботлар судланувчи Раҳмон Холмирзаевнинг турли йўллар билан тергов ва судни чалғитиш учун қилган хатти-ҳаракатларини чиппакка чиқарди.

Марҳума билан бир йўлакдаги хонадонда қўшни яшаган О.Игнатович қотиллик содир этилган кун тахминан соат 15 дан ошганда Л.Шуватованинг телефонига қўнғироқ қилганлигини, Любовь ҳозир ухлаётганини, кейинроқ ўзи қўнғироқ қилажагини билдирганлигини, орадан икки соатча вақт ўтгач, қўшнисининг уйидан бўғиқ овоз эшитилганлигини, хавотир олиб, шу заҳоти унга яна қўнғироқ қилганида телефон гўшагини ҳеч ким кўтармаганлигини айтади. Кўнглида шубҳа пайдо бўлган О.Игнатович чиқиб, қўшнисининг эшигини тақиллата бошлайди. Ичкарида жим-житлик. Сўнг ташқарига чиқиб, Л.Шуватова яшайдиган хонадон айвонини кузатиб туради. Шу пайт қандайдир эркакнинг шарпаси бир кўриниб, дарҳол бекиниб олганини сезади. Тезда бошқа қўшниси Л.Муҳамедовани чақириб, уни вазиятдан хабардор қилади. Шу пайт 2-қаватдаги эшик очилганини, кимдир зинадан тепага кўтарилиб, озгина тўхтаб тургач, яна пастга туша бошлаганини кузатишади.

Ҳушёр қўшнилар йўлакдан чиқиб келган кўзойнакли кишини тўхтатиб, кимникига келганлигини сўрашади. Киши «Учинчи қаватдаги Валя холаникига келган эдим», дея тезда йўлга равона бўлди. О.Игнатович «Нега алдайсан, у уйда ҳеч қандай Валя хола яшамайди» дея уни сўроққа тутмоқчи эди, Л.Муҳамедова қўшнисига «Бундай қилиш ҳозир биз учун ҳам хавфли» дейди. Улар зудлик билан милицияга ва «Тез ёрдам»га хабар қилишади.

Гувоҳ Ж.Қаюмов ҳам қотилнинг ўз айбини тан олмай, ёлғон сўзлаганини фош этиб ташлайди.

- Р.Холмирзаев 1998 йилнинг 15 сентябридан буён Республика «Саноат қурилиш банки»нинг Юнусобод бўлимида юрист вазифасида ишлаб келди, - деди у, - Раҳмон худди ўша 1999 йилнинг 21 августида тахминан соат 20ларда менинг уйимга келди. Қўлида ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси бор эди. Бошқа ишга ўтиб кетаётганлигини айтиб, аризасини банк бошқарувчисига бериб қўйишимни илтимос қилди. Ариза 19 август санаси билан имзоланган эди.

«Саноатқурилиш банки» ходимлари И.Фармонова, Л.Сатторова ва бошқа гувоҳларнинг ҳам берган кўргазмалари бир-бирини тўлдириб, қотил ким эканлигини ойдинлаштириб турарди.

Минг афсуски, баъзи фуқаролар Р.Холмирзаевнинг жиноятини хаспўшлаш мақсадида «Йўқ, у Гулистон шаҳрида тўйда бўлган эди» дея нотўғри гувоҳлик бериб, оқибатда ўзларига жабр қилишди.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деган халқ мақоли яна бир карра одамлар ёдига тушди. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судида судья М.Қурбонбоев раислигида бўлиб ўтган суд мажлиси Раҳмон Холмирзаевнинг жиноий қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан малакалаб, унга ўн бир йил озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилади.

Қилмиш — қидирмиш, деганлари шу-да!

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

*Хотира*

# УСТОЗНИ ЁД ОЛИБ...



Ҳуқуқшунос касбдошимиз, юксак ҳурмат эгаси Шавкатбек Аъзамович Исроилов ҳаёт бўлганларида бугун 70 ёшни қаршилар эди.

У 1931 йил 3 мартда Андижон шаҳрида туғилган. 1947 йилда шу ердаги 29-ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат юридик институтига қабул қилинган, 1951 йилда олий ҳуқуқшунос маълумотини олган. Меҳнат фаолиятини 1951 йилда Тошкент темир йўлининг 5-Андижон бўлимида ҳуқуқшунос маслаҳатчи вазифасидан бошлаган ва 1954 йилдан 1964 йилга қадар Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси тармоқ ички ишлар бўлимининг оператив ходими, тергов бўлинмаси катта терговчиси, тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимларида давом эттирган. 1964-1969 йилларда Андижон шаҳар судининг судьяси, 1969-73 йилларда Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари, 1973-87 йилларда Андижон вилоят судининг раиси, 1987-92 йилларда шу вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, сўнгра бошлиғи лавозимида ишлаб, фахрли дам олишга, нафақага чиққан эди.

Аммо бу фидоий инсон ўзи униб ўсган, ўрганиб қолган даргоҳни ташлаб кетмади. Доимо алоқада бўлиб, ўз тажрибаси ва билими билан ўртоқлашиб турди, ёш авлодни тарбиялашда ҳисса қўшиб келди.

Ш.Исмоилов 1993 йилда айни 62 ёшида вафот этди. Шогирду ҳамкасбларини қаттиқ қайғуга солди. Шавкатбек ака кўп қиррали, доимо изланувчи инсон эди. У 1975 йилда юридик фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлаган. Ҳуқуқий мавзусидаги кўплаб мақолалари ва монографиялари чоп этилган эди.

Унинг хизматлари давлат томонидан одилона баҳоланиб, кўплаб ҳукумат мукофотлари соҳиби бўлган, жумладан, 1978 йилда унга шарафли «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвони берилган эди.

У кишини ҳуқуқшунослар дилкаш инсон, камтарин раҳбар, меҳрибон мураббий сифатида билишарди, ҳурмат қилишардилар. Бу эъзоз руҳи ҳанузгача кетган эмас ва яна узоқ йиллар давом этажак.

Доимо ёдимиздасиз, Шавкатбек ака, иншоолоҳ, руҳингиз шод бўлгай.

**А.ЮСУПОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси жамоаси номидан,**
**И.АБДУЛЛАЕВ,**
**вилоят жиноят ишлари бўйича суди жамоаси номидан**

*Қилмиш-қидирмиш*

# НАФС БОТҚОҒИ

Халқимизнинг тинч-тотув ва осойишта яшашини таъминлашда тан олиш керак, аввало, ички ишлар ходимларининг хизматлари бениҳоя каттадир. Айни вақтда улар юртимиз бойликларини асраб қолишда ҳам ўз ҳушёрликларини намоён қилмоқдалар. Милиция ходимларининг турли тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиши, ўз постларида сергак турганликлари, жамоатчилик билан ҳамкорликда иш юритиши натижаси ўлароқ кўплаб нохушликларнинг олди олиниб, жиноятлар вақтида очилмоқда.

Яқинда Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳудуди туташган «Юқори нуқта»даги ДАН масканида «МАЗ-4223» автомашинаси тўхтатилди. Хурмо ортилган ушбу машина негадир тепаликка жуда «қийналиб» чиқди. Бу эса Самарқанд вилояти ДАН бошқармаси йўл патрул хизмати инспекторлари — милиция лейтенанти Илҳом Мирзаев ва милиция сержанти Маҳмуд Эргашевларда шубҳа уйғотди. Инспекторлар юк тагини текшириб кўрганларида, ҳайдовчи Ғ.Эшмуродовнинг ҳийласи ошкор бўлиб қолди. Хурмонинг остига жойлаштирилган нақ 9 тонна алюминий парчалари ҳеч қандай ҳужжатсиз четга олиб чиқиб кетилаётган экан.

Мазкур факт бўйича тегишли ҳужжатлар Булунғур тумани ички ишлар бўлимига топширилди. Аниқланишича, рангли металлар Қашқадарё вилояти Косон тумани Арабхона қишлоғида яшовчи Қаҳрамон Санаевга тегишли экан. Булунғур туман суди бу шахснинг қилмишига яраша 122.500 сўм жарима солди ва рангли металлни давлат фойдасига мусодара этди.

- Бундай шахслар Ватанни севиш, ардоқлаш, бойликларини кўз қорачиғидек асраш каби муқаддас туйғуни наф ўпқонига алмаштириб юборганлар, - дейди Булунғур туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Аюбжон Қулбеков биз билан суҳбатда. - Шу боис улар жойлардаги электр, алоқа ва газ таъминоти тармоқларидаги рангли металларни бузиб, ўмариб кетмоқдалар. Юрт бойлигига кўз олайтирган ва уни яширин йўллар билан хорижга олиб чиқиб сотаётган бундай кишиларга қаттиқроқ жазо чораларини кўрмоқ лозим. Негаки бундай жиноятлар элу юртга хиёнат билан баробардир.

Туманимиз ички ишлар ходимлари шундай жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятга дахлдор шахсларни аниқлаш мақсадида «Рангли металл», «Тун» каби тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Ушбу тадбирлар натижасида 2000 йил 29 декабрга ўтар кечасида туман марказида бир гуруҳ жиноятчилар қўлга олинди. Муқаддам судланган Отабек Қаршиев укалари Жўрабек ва Фахриддин Лапасовлар билан тил бириктириб, жиноий ишга қўл урадилар. Улар «Минг чинор» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, туман электр тармоғи идорасига қарашли Т-62-61 маркали 100 киловатли трансформаторни бузиб олиб, қопларга жойлаштириб, велосипедда уйига олиб кетаётганда ходимларимиз томонидан тўхтатилади. Ушбу жиноий гуруҳнинг яшаш жойлари текширилганда улар кўп вақтдан буён туман ҳудудида рангли металларни йиғиб, эритиб сотиш билан шуғулланганлиги маълум бўлди. Жиноятчиларнинг уйидаги эритиш идишлари ва асбоб-ускуналари ашёвий далил сифатида тортиб олинди. Жиноий гуруҳ иштирокчилари эса қилмишлари учун суд томонидан қонуний жазосини оладиган бўлишди.

Ҳа, биз бугун ўткинчи иқтисодий қийинчиликларни бошдан ўтказмоқдамиз. Аммо бу дуч келган нарсани бузиш, ўмариш, сотишдек жиноий ишларга сабаб бўлмаслиги керак. Милиция подполковниги А.Қулжонов айтганидек, Ватан туйғуси билан ёнган инсон асло бундай ишларга қўл урмайди. Аксинча, эл-юрт корига ярайдиган ҳар бир нарсани авайлаб-асрайди. Қўлидан келса бузилган, эскирганни тузатади, тиклайди. Аслида ватанпарварлик ҳам ана шундай оддий ишларда акс этади. Нафс ботқоғига ботганлар буни тушунармикан?!

**О.ҲАМЗАЕВ,**
**журналист,**
**Самарқанд вилояти**

Тоғларда баҳор нафаси...



# ГАБРОВО ЛАТИФАЛАРИ

***Бир габроволик хотини эридан шўрвани хушхўр қилиш учун тухумнинг қанчасини солишни сўради.***

***- Бугун байрам, - деди эри, - майли ярмини солиб юборавер.***

***

***Бир габроволикнинг телевизори бузилиб қолибди — тасвир бор, овоз йўқ.***

***- Хотин, деди у, - қўшниларимиз ҳам телевизор кўришаяпти, айт, товушини баландроқ қилиб қўйишсин.***

***

***Габроволик икки ҳайдовчи тор кўприкда бақамти келиб келиб қолишди, аммо иккови ҳам машинасини орқага тисарганда кетадиган бензинга кўзи қиймасди. Улардан бири шеригининг тоқатини тоқ қилиш учун газета ўқишга тушди. Иккинчи ҳайдовчи эса ўриндиққа чўзила туриб, қичқирди:***

***- Эй ошна, газетани ўқиб бўлганингдан кейин узатвор, биз ҳам бир кўрайлик!***

***

***Бир габроволик баққолчилик дўконига бораётиб, йўл бўйи қанча зайтун олсам экан, бир киломи, ё ярим киломи, деб ўй сурди. Дўконга кириб у:***

***- Бир кило зайтун беринг, - деди.***

***- Ярим килодан озроқ бор-де, - деди дўкондор. Габроволик эркин нафас олиб, кўнглидан ўтказди:***

***- Оббо, икки кило сўрасам бўларкан-а, анча пулни тежаб қолган бўлардим.***

***

***Ўзининг нарвонидан чиқиб бораётган габроволик тийғаниб йиқилиб тушди-ю, ҳушидан кетди. Ўзига келгач, биринчи сўраган нарсаси шу бўлди:***

***- Нарвон бутунми?***

**Дилафрўз АТАЕВА тайёрлади**

*Ҳуқуқий қўлланмалар*

# ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Яқинда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи», «Жиноят ҳуқуқи» номли китоблар нашрдан чиқди.

Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган китоблар тақдимотида қонунчилик ва ҳуқуқ илмини эгаллашга интилаётган ҳар бир инсон учун ушбу китобларнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги эътироф этилди.

Учала дарслик ҳам Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.Бобоев ҳамда юридик фанлар доктори, профессорлар Х.Одилқориев, М.Рустамбоевларнинг умумий таҳрири остида чоп этилди. Шунингдек, муаллифлар таркиби рўйхатида республикамизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари номлари бор.

«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» деб номланган китоб давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳозирги замон илмий концепцияларини инобатга олган ҳолда тайёрланган. У жараёнларни талқин этишдаги анъанавий ёндошувлар билан бир қаторда янги муаммолар ҳамда нуқтаи назарларни ҳам қамраб олган.

Дарсликда Ўзбекистонда шаклланаётган демократик давлатчилик ва ҳуқуқий тизим хусусиятларига оид назарий хулосаларга кенг ўрин берилган.

«Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи» номли дарслик китобда эса қишлоқ хўжалик ҳуқуқига доир предметнинг ҳуқуқий манбалари, қонун ҳужжатлари, улар асосида келиб чиқадиган муносабатлар, бу соҳада ишлаб чиқариш тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий поғоналари, тармоқ ходимларининг ҳуқуқий мажбуриятлари, жамоа хўжаликлари ва бошқа корхоналарнинг мулкий ҳуқуқлари, уларни тартибга солиш ҳамда қишлоқ хўжалик ҳаётига доир бошқа муносабатларнинг таҳлилига кенг ўрин берилган.

«Жиноят ҳуқуқи» китоби эса амалдаги Жиноят Кодекси моддаларига мувофиқ ёзилган. Унда шахснинг ҳаёти, соғлиги, оила, ёшлар ва ахлоққа, қадр-қиммат, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, тинчлик, инсониятнинг хавфсизлиги, давлатга қарши, иқтисодиёт, экология соҳасидаги жиноятлар, ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмаларининг фаолият тартиби, жамоат хавфсизлиги ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига доир жиноятлар тўғрисида тўлиқ маълумот берилган.

Дарсликлар талабалар магистрант ва юридик олий илмгоҳлар ўқитувчилари, мутахассислар, шунингдек, давлат ва ҳуқуқ муассасаларига, қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**Ўз мухбиримиз**

*Иллат*

# БУРУНДАН ЧИҚҚАН МАИШАТ

Гарчи бу воқеа бир йилча илгари содир бўлган бўлса-да, ака-ука Қаҳҳоровларнинг ёдидан чиққани йўқ. «Урғочи шайтонлар»нинг ноз-карашмаларига учиб, юзлари шувут бўлган оға-инилар ҳалибери ушбу дилхираликларни унута олмасалар ҳам керак. Хуллас, воқеа бундай бўлган эди.

Уч дугона Наргиза Норқўчқорова, Гулнора Абдурасулова ҳамда Хадича Жумаевалар ҳамшаҳарлари — ангорлик Людмила Заречнова билан «опа-сингиллардек» иноқ муносабат ўрганишган. Сабаби, кўнгиллари яйрашни тусаб қолганида бу рус аёлининг ҳаммоми уларга асқотиб турарди. Гўёки, айиқ овловчи овчилардек тузоқларига ҳамёни «семиз»роқ, маишатни севувчи эркаклар тушиб қолса, ўлжани тўғри унинг уйига олиб келардилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. «Айиқ овловчилар»нинг қопқонига бирваракайига уч нафар ўлжа тушди...

Ака-ука Қудрат, Беғам ва Ғайрат Қаҳҳоровлар мол бозорида бир ҳўкизни 140 минг сўмга пулладилар. Савдолари ўнгидан келганлиги боис. аввал бозор ичидаги ошхонада қиттай-қиттай «нўш» қилишди. Кўнгиллари тўлмади. Сўнгра тағин юзта-юзта отгани «Таллимарон» чорраҳасидаги ошхонага йўл олдилар. Еб-ичиш жойида эди-ю, ака-укаларга шу тобда очилиб гурунглашиш учун аёл улфатлар етишмай турганди, чоғи. Чунки кўнгилларини кемираётган шайтон қўйниларидаги пулнинг рўзғорга эмас, ҳаромхариш ишларга сарфлашга даъват қилар эди. Гўёки тайинлаб қўйилгандек, шу лаҳзаларда ошхонада уч дугона Хадича, Наргиза ва Гулноралар кўриниш бериб, тўғри улар томон одимлашди. Ширакайф ака-укалар «эрка санамлар»ни давраларига таклиф этдилар. Бир-бирлари билан танишганликлари ҳамда соғликлари ва яна нималар учундир кетма-кет қадаҳлар уриштирилди. Шундан сўнг кўздан пана жойда улфатчиликни давом эттирмоқчи бўлдилар. Шундай бўлди ҳам...

Абжир жувонларнинг ўлжа билан ташриф буюришларига ўрганиб қолган Людмила меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Олдиларига дастурхон ёзди. Ака-укалар «дилбар нозанинлар» олдида ҳаяжонларини босиб олишлари учун тағин арoқ ичмоқчи бўлдилар. Ана шу мақсадда Беғам Қаҳҳоров Людмиланинг ўғлига минг сўм бериб, арoқ ва егулик нарса олиб келгани юборди. Ғайратни эса Наргиза бирга ҳаммомга тушишга таклиф этди. Ароққа бўккан йигитнинг кўнгли ҳирсли севинчдан бир қалқиб тушди. Ахир унинг ўзи бу ташаббусни қандай қилиб ўртага ташлашни ўйлаб турганди-да! Ҳаммом ичидаги саргузаштлар қандай кечди, уларни топиштирган Иблисга аён. Аммо ташқарида аёллардан бири Хадича Жумаева бир шумликни бошлаб юборди. У шогирди ва ҳамтовоғи Гулнора Абдурасуловага «Сен Қудрат билан Беғамни чалғитиб тур, мен Ғайратнинг курткасидан пулни ўмараман, кейин бўлишиб оламиз» дея шипшиди. Хулласи калом, уччала «шайтон»нинг режалари биринчи босқичда силлиққина амалга ошди. Наргиза билан Ғайратнинг ичкарида юрганидан фойдаланиб, Хадича ечиниш хонасида йигитнинг курткаси енгидан бозорда сотилган новвоснинг пули - бир юз ўттиз минг сўмни суғуриб олди-да, жуфтакни ростлаб қолди.

Ғайрат қўйнидаги пул ўғирланганлигини билганидан сўнг бир тўполон бўлди-ей, асти қўяверасиз. Дугоналари тушмагурлар ҳам дарровгина ўғирланган пулларни учга бўлиб олишиб, бозордан ўзларига қимматбаҳо кийимлар харид қилиб қўйишибди. Токи туман ички ишлар бўлимига хабар қилинмагунча «учлик иттифоқ»нинг жанжаллари поёнига етмади...

Тергов жараёнида уччала жувоннинг ҳам ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларига иқрор бўлишдан ўзга иложи қолмади. Ўғирланган пуллар жабрдийда «ошиқ»ларга қайтарилди. Уч дугона одил суд ҳукми билан муносиб жазоларини олишди ҳам. Шу ўринда вужудида ор-номуси бўлган ҳар бир эркак кишини бир савол ўйлантириш табиий. Ака-укаларга улфат хотинлар ўғирлаб олган пуллар-ку қайтарилди. Аммо йигитлик шаъни, обрўсига тушган доғ-чи? Уни кетказиб бўлармикан? Ахир, ўзбек хонадонида тарбияланган ака-укалар не юз билан бир-бирларидан уялмасдан бузуқ ишларга биргаликда боришади? Бундай шармисор саргузаштлари ошкор бўлгач, оила, маҳалла-кўйининг юзига қандай қарашар экан? Қизлари бегона эркаклар билан ҳаммомга тушиб, улфатчилик қилиб юрган ота-оналар, ака-укаларда иймон, виждон сўроғи борми ўзи? Маҳалла-кўй, умуман, шарқона тарбия ўчоғи бўлмиш қавм-қариндошлар, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси қаёққа қарашаяпти, ахир? Маънавий муаммолар, иймон оғриқлари айнан шунинг ўзи эмасми?

**Чорихон ҚОДИРОВ,**
**Ангор тумани прокурори,**
**I даражали юрист,**
**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Узоқ БОЗОРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Рўзибой САИДОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

